



# COVID-19 пандемияси шароитида гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида соғлигининг бузилишига дучор бўлган одамларни даволаш, парвариш ва реабилитация қилиш бўйича маслаҳатлар

**Мамлакатлар ва ҳамжамиятларнинг соғлиқни сақлаш борасидаги хавфсизлигига қўшиладиган ҳисса**

Коронавирус 2019 касаллиги (COVID-19), COVID-19 - бу Коронавирус 2 оғир ўткир респиратор синдроми (SARS-CoV-2) туфайли келиб чиқсан нафас олиш касаллиги. Касаллик нафас олиш йўллари инфекцияси билан тавсифланиб, унинг аломатлари оддий шамоллаш/гриппга ўхшаш касаллиқдан бошлаб соғлиқка жиддий путур етказувчи тиббий касаллик аломатларини ўз ичига олади. Аломатлар одатда иситма, йўталиш, томоқ оғриғи ва нафас қисилишидан иборат. Мушаклардаги оғриқ ва чарҷоқ каби аломатлар ҳақида ҳам хабар қилинмоқда.

2020 йил 11 март куни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) COVID-19 нинг ҳозирги вақтда тарқалишини пандемия деб эълон қилди<sup>1</sup>. Гарчи COVID-19 касаллиги одатда енгил кечиб, ундан аксарият одамлар тезда тузалишсада, бу маълум бир гурухлар, шу жумладан кекса одамлар ва иммунитети паст бўлган ёки сурункали касаллик билан оғриган одамларда жуда жиддий тус олиши мумкин.

Ҳозирги COVID-19 каби пандемия ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши ва глобал иқтисодиёт ва умумий хавфсизлик ва барқарорликка қўшимча хавф туғдириши мумкин. Пандемия пайтида тиббий ёрдамдан доимий фойдаланиш, шу жумладан, гиёхванд моддаларни истеъмол қипувчилар учун хизматлар ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликларни даволаш нафақат аҳолининг соғлиги, балки хавфсизлик ва барқарорлик учун катта аҳамиятга эга.

Гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар кўпинча ОИВ/ОИТС, гепатитнинг "Б" ва/ёки "С" турлари ва сил, ўпка ёки юрак-қон томир касалликлари, инсульт, саратон ва бошқа жароҳат ва травма каби соматик бузилишлар билан бирга келади. Бундан ташқари, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан касалланган одамлар, айниқса гиёхванд моддаларни инъекция йўли билан қабул қилувчи шахсларнинг иммунитет тизими сусайиши мумкин. Ниҳоят, гиёхвандлик ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш бузилиши билан боғлиқ стигма ва камситиш аксарият ҳолларда уй-жой, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдам каби асосий манбалардан фойдаланиш имкониятларининг

чекланишига олиб келади. Ушбу барча сабабларга кўра, гиёхванд моддаларни истеъмол қиладиган ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан касалланган одамларга ўзларини ҳимоя қилиш анча қийинлашади ва айниқса бундай шахслар COVID-19га чалиниш хавфи остида бўлиши мумкин.

Шу сабабли, гиёхванд моддаларни истеъмол қипувчилар ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликларга дучор бўлган одамлар учун тиббий ва ижтимоий хизматлардан етарли даражада фойдаланишнинг узлуксизлигини таъминлаш ва БМТ Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ва ЖССТ томонидан 2020 йилда ишлаб чиқилган Гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликларни даволаш бўйича халқаро стандартларда тавсифланганидек, зарур парваришнинг доимийлигини инқироз даврида ҳам имкон қадар кўпроқ даражада таъминлаш мухимdir. Бу бирламчи погонада хизматларни, шунингдек, бир қатор шароитларда психологияк-ижтимоий ва фармакологик даволашни ўз ичига олади..

Бу, шунингдек, БМТга аъзо давлатларнинг 2030 йилгача бўлган давр учун қабул қилинган дастурида ҳеч кимни эсдан чиқармасдан ҳар бир кишининг соғлиқини сақлаш борасида ўз зиммаларига олган мажбуриятига мос келади ва БМТ Бош ассамблейсининг 2016 йилда бўлиб ўтган махсус сессиясининг дунёда гиёхванд моддаларга қарши курашга бағишлиланган Якуний хужжатида, инсонлар, уларнинг оиласлари, жамиятнинг ҳимоясиз аъзолари, ҳамжамиятлар ва кенг маънода жамиятнинг саломатлик, хавфсизлик ва фаровонлигини ҳимоя қилиш зарурлиги таъкидланган.

Шу нуқтаи назардан, аъзо давлатлар ва гиёхванд шахсларни даволаш, парваришлаш ва реабилитация қилиш тизимлари ва хизматларига қўйидаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда гиёхванд моддаларни истеъмол қипувчиларга ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан касалланган одамларга парваришлашнинг узлуксизлигини таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

<sup>1</sup><https://www.who.int/dg/speeches/detail/who-director-general-s-opening-remarks-at-the-media-briefing-on-covid-19---11-march-2020>

Typesetting and artwork: Ms. Esra Köyメン Irmak; ©UNODC, 2020



## Хизматлар узлуксизлигини таъминлаш

Ҳаттоқи ва айниқса инқироз даврида одамларнинг хизматлардан доимий равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлаш; хизмат кўрсатиш узлуксизлигини таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш, юқумли нафас йўллари касалликлари бўйича умумий тавсияларга риоя қилинаётганлигини ва COVID-19га чалинган беморлар учун маҳсус кўрсатмалар жорий қилинганлигини таъминлаш.

## Хизмат кўрсатиш масканлари ҳодимлари ва беморларнинг хавфсизлигини таъминлаш

Одамлар билан яқин алоқада бўлиш ёки бошқа ҳар қандай гавжум жойларда юзага келадиган хатарларни минимал даражага тушириш мақсадида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш зарурлиги масаласини кўриб чиқиш; масалан, амбулатория шароитида кутиш хоналари ва навбатларни қайта ташкил этиш керак, шу билан бирга стационар шароитда, даволанаётган одамлар орасида вирус тарқалишини камайтириш бўйича чоралар кўрилиши ва бунда парвариш қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш керак. Ҳодимларни, шу жумладан ёрдамчи ишчи-мутахассисларни, COVID-19 профилактикаси борасида билим бериш ва уларни ҳимоя воситалари билан таъминлаш.

## Хизмат кўрсатиш пунктлари хоналарида тозалик ва гигиена қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш

ЖССТнинг кўрсатмаларига мурожаат қилинг, шу жумладан: мунтазам равишда дезинфекциялаш воситаси билан артиб ташланган юзалар ва нарсалар; хизмат кўрсатиш жойлар ҳодимлари ва зиёрат қилувчи шахсларнинг қўлларини мунтазам равишда ва қунт билан ювиш; муассасани санитария-гигиена воситалари ускуналари (диспенсерлар) билан таъминлаб, уларни кўриниб турган жойларида ўрнатиш; диспенсерларни мунтазам равишда тўлдириб туриш; қўл ювишни тарғиб қилувчи плакатларни осиш; хизмат кўрсатиш жойлар ҳодимлари ва зиёрат қилувчи шахсларнинг қўлларини совунлик сув билан ювишлари мумкин бўлган жойларга кира билишларини таъминлаш.

## Одамларни ҳар қандай вазиятда ўзларини ҳимоя қилиш ҳақида маълумот ва воситалари билан таъминлаш

Одамлрага ўзини ҳимоя қилиш усууллари ҳақида маълумот етказиш, шунингдек хизмат кўрсатиш жойлари билан алоқада бўлган одамларни вирусдан ҳимоя қилиш учун совун ва бошқа зарурий гигиеник воситалар билан таъминлаш тўғрисида маълумот олиш учун ЖССТ кўрсатмаларига мурожаат қилинг<sup>2</sup>. Одамларни ўзлари ва бошқалар учун хавф-хатарлар тўғрисида тушунтириш бериб, иложи борича бир жойга йигилмасликка ундаш. Ҳодимлар ва хизмат кўрсатиш жойлари билан алоқада бўлган одамлар билан, улар яшаётган муҳитда COVID-19 тарқала бошлаган ҳолларда, ҳатто енгил йўтуали ёки паст даражали иситмаси (37,3 С ва ундан юқори) бўлган ҳар қандай шахснинг уйда қолиши зарурлиги борасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

<sup>2</sup> <https://www.who.int/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/advice-for-public>

Typesetting and artwork: Ms. Esra Kömen Irmak; ©UNODC, 2020.

## Бирламчи погонада кўрсатиладиган хизматларнинг узлуксизлиги



Налоксони опиоид дозасини ошириб юборилишининг гувоҳи бўлиш эҳтимоли юқори бўлган одамларга, шу жумладан опиоид истеъмол қилувчи шахсларга, улар билан мулоқот қилувчи ишчи-мутахассисларга ва опиоид дозаси оширилганида фавқулодда чоралар кўришда биринчи бўлиб ёрдамга келувчи шахсларга тарқатиш. Ишлатилган иғналар алмашинишининг олдини олиш учун гиёхванд моддаларни инъекция орқали қабул қилувчи одамларга тоза иғналарни тарқатиш бўйича саъй-ҳаракатларни максимал даражада ошириш. Бошқа истеъмол қилувчилар томонидан ўзаро ёрдам кўрсатиш ишларини, шу жумладан, узоқдан алоқа қилиш воситалари ёрдамида давом эттириш масаласини кўриб чиқиш.



## Фармакология воситалари ёрдамида даволаш ишларининг узлуксизлиги

Барча дори-дармонлар билан таъминлашнинг узлуксизлигини, шу жумладан: ишлатилмаган дориларни қайта қабул қилиш, уйга етказиб бериш, уйга олиб кетиб ишлатиладиган дори-дармонлар, узайтирилган рецептлар ва узайтирилган дори воситаларни ёзиб бериш чораларини кўриб чиқиш.

- Муассасаларда наркотик мавжуд бўлиши ва у опиоид истеъмол қилувчи ва/ёки опиоидлар дозасини ошириб юборилишининг гувоҳи бўлиш эҳтимоли юқори бўлган одамларга берилиши керак.
- Метадон ва бупренорфин (шу жумладан мавжуд бўлса, тарқалиши узайтирилган бупренорфин) каби опиоид агонистлари ёрдамида амалга оширилладиган терапия борасида, дозаларни уйга олиб кетишига ҳаққи бўлган беморлар сонини ошириш ва уларга камидан иккита ҳафта давомида уй шароитида даволанишга етарли бўлган дозалар билан таъминлаш; кутиш вақтини камайтириш учун ҳар бир бемор учун дозани олдиндан тайёрлаш; ва хизматга мурожаат этадиган беморларнинг кунлик сонининг кам бўлишига эришиш учун дориларни олиб кетиши вақтини олдиндан белгилаш.
- Абститенция синдроми муаммоси мавжуд бўлган ҳолларда, беморланинг ёрдамчи дори-дармонлардан фойдалана олишларини таъминлаш.
- Симптоматик даволаш ва коморбид касалликларни даволаш учун дори-дармонларнинг фойдаланиш учун узлуксиз равишида мавжудлигини таъминлаш имкониятларини кўриб чиқиш.
- Баъзи опиоид истеъмоли натижасида касалланган ва даво топишга мотивацияси кучли бўлган беморлар учун ёки опиоид агонистлари билан даволаниш имкони бўлмаган жойларда абстиненция синдромининг олдини олиш учун наркотик мавжудлигини кўллаш масаласини кўриб чиқиш мумкин.



## Психологик-ижтимоий терапиянинг узлуксизлиги

Агар терапия, шу жумладан гурӯҳ шаклидаги терапия тӯхтатилиши керак бўлса, беморларга зарурий парвариш ва ёрдамни тақдим этиш учун масофадан туриб<sup>3</sup> (масалан, телефон ёки Интернет орқали)<sup>4,5</sup> ва/ёки индивидуал тарзда алоқа қилиш имкониятини кўриб чиқиши.



## Уйсиз одамларга, шу жумладан гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида касалланган одамларга кўмаклашиш

Имкон даражасида, ижтимоий масофа сақлаш бўйича тавсияларни ёдда тутган ҳолда бошпана билан таъминлаш; имкон даражасида хавфсизлик ва гигиена воситаларини тарқатиш ва ЖССТ тавсия этган асосий профилактика чораларидан фойдаланишини таъминлаш.



## Ҳеч қандай ҳолатда одам гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганилиги сабабли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинишига йўл кўйилмаслиги лозим!

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида касалланган шахсларга, дискриминацияга йўл кўйилмасиги шарти билан, нафас олиши тиклашга ёрдам берувчи, шу жумладан зарур бўлганда интенсив терапиядан фойдаланиш имкониятини таъминлаш. Ҳали даволаниши бошламаган гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида касалланган одамларни ушбу инқироз даврида даволаниши бошлашга қизиқишлари ортиши мумкинлигини инобатга олиш: имкон қадар тезроқ ёрдам беришга тайёр бўлиш жуда муҳимдир. Шу мақсадда, гиёҳвандликни даволаш марказлари COVID-19 билан боғлиқ бўлган сўровларни ва гиёҳвандликдан даволанишга бўлган талабни кечиктиրмасдан бажариш учун алоҳида долзарблилик даражасига кўра рўйхат тузиш хизматларини ташкил қилиши мумкин.

**Ҳозирги пандемия сингари инқироз юзага келган оғир бир давр, умуминсоний қадрияtlарни эsga олиш ва ҳеч кимни, шу жумладан гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи одамлар ва уларнинг оиласларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган ҳолда кучларимизни бир мақсад йўлида бирлаштириш учун яна бир имкониятдир.**

### Дисклеймер: Ушбу ҳужжат БМТнинг расмий таржимаси эмас

<sup>3</sup>[https://www.unodc.org/documents/17-01904\\_Rural\\_treatment\\_ebook.pdf](https://www.unodc.org/documents/17-01904_Rural_treatment_ebook.pdf)

<sup>4</sup><https://www.cms.gov/newsroom/fact-sheets/medicare-telemedicine-health-care-provider-fact-sheet>

<sup>5</sup>[https://www.unodc.org/documents/17-01904\\_Rural\\_treatment\\_ebook.pdf](https://www.unodc.org/documents/17-01904_Rural_treatment_ebook.pdf)

Typesetting and artwork: Ms. Esra Köyem Irmak; ©UNODC, 2020.